

## КОМПОЗИТОР С. ХАЙИТБОЕВНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ ЙЎЛИ

Фарангиз Икромова Йигитали қизи

Фарғона давлат университети “Санъатшунослик” факултети “Муסיқа таълими” йўналиши  
3-курс талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6912048>

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор, композитор Султон Хайитбоевнинг замонавий профессионал композитори сифатида ўзбек муסיқа оламида тутган ўрни ҳамда унинг ўз асарларида муסיқали драма жанрига алоҳида эътибор, шунингдек ўзига ҳос ижодий йўналиши ва бизга қолдирган бой маданий мероси ҳақида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** вокал, кўшиқ, ашула, санъат, комедия, чолғу, оркестр, композитор, созанда.

## ЖИЗНЕННЫЙ И ТВОРЧЕСКИЙ ПУТЬ КОМПОЗИТОРА С. ХАЙИТБОЕВА

**Аннотация.** В данной статье рассказывается о роли заслуженного артиста, профессора, композитора Султана Хайитбоева в мире узбекской музыки как современного профессионального композитора, а также его особом внимании к жанру музыкальной драмы в своих произведениях, а также его уникальном творческом направлении и богатое культурное наследие, которое он оставил нам.

**Ключевые слова:** вокал, песня, пение, искусство, комедия, инструмент, оркестр, композитор, музыкант.

## THE LIFE AND OEUVRE OF THE COMPOSER S. KHAYITBOEV

**Abstract.** This article tells about the role of the honored artist, professor, composer Sultan Hayitboev in the world of Uzbek music as a modern professional composer, as well as his special attention to the genre of musical drama in his works, as well as his unique creative direction and the rich cultural heritage that he left us.

**Keywords:** vocal, song, singing, art, comedy, instrument, orchestra, composer, musician.

## КИРИШ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор, композитор С.Хайитбоев замонавий профессионал композитори сафига 60-йилларнинг бошида кириб келди. Унинг дилрабо кўшиқ ва ашулалари, чолғу куйлари, оркестр учун ёзган асарлари, муסיқали драма ва комедиялари, симфоник ва вокал-симфоник асарлари мухлислар қалбидан муносиб ўрин олган.

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Султон Хайитбоев Хоразм вилоятининг Янгиарик туманида 1926 йилнинг 5 май куни деҳқон оиласида таваллуд топди. Уболалигида ота - онасидан етим қолиб, аммасиникида тарбияланди. Қишлоқ мактабида етти йил ўқиди. Ёшлигидан муסיқага меҳр кўйди, мактаб ва туман муסיқа тўгарагига қатнашиб, ғижжак ва доира чалишни ўрганди. Туғма истеъдод соҳиби Султонбой ёш бўлишига қарамай, Янгиарик туманидаги «Колхоз театри» да созанда бўлиб, катталар ёнида ишлади. 1941 йили Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан театр ёпилиб, далада меҳнат қилди, бўш вақтларида муסיқа билан шуғулланди. 1945 -49 йиллари Тошкентда ички кўшинлар сафида ҳарбий хизматини бажо этди. Султонбой ўша дамлар ҳақида куйидагича ҳикоя қилган: «Ҳарбий ҳаваскорлар ансамбли» репертуар дастурида ўзбек халқ муסיқаси билан бирга Ю. Ражабий, Т. Жалилов, К. Жабборов, С. Калонов, Ф. Содиқов, Н. Ҳасанов, М. Ниёзов, П. Раҳимов, Т. Содиқов, М. Левиев, С. Юдаков каби композиторларнинг

қўшиқ ва куйлари мавжуд эди. Мазкур бастакорларнинг ижодлари менга жуда ҳам таъсир қилди. Мен ҳам шуларга ўхшаган бастакор бўлишни орзу қилар эдим. Чунки ўзим ҳам куйлар басталашга интилиб, бир неча куй ва қўшиқларим ансамбл ижросида жаранглади. Оврўпа нота ёзувини ўзлаштиришга ҳаракат қила бошладим ва менинг ишимда бурилиш рўй берди. Мусиқа санъатига меҳрим янада ошди, мусиқачи бўлишга қарор қилдим».

Композитор бўлиш орзуси билан С. Ҳайитбоев 1949 - 50 ўқув йили Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртининг ғижжак синфи ва мусиқа назарияси бўлимига ўқишга кирди. Мусиқа назарияси ва композиторлик мутахассислиги бўйича С. Бобоев ва Б. Гиенколардан сабоқ олди. Бир йилдан сўнг С. Ҳайитбоевнинг маслаҳати билан ўзбек халқининг сеvimли санъаткорлари Комилжон Отаниёзов ва Матниёз Юсуповлар ҳам шу ўқув даргоҳига келдилар. Ўқиш даврида бу уч оғайни концертлар уюштириб, халққа хизмат қилдилар. 1952 йили Ўзбекистон халқ артисти Ю. Ражабий радио қошидаги Ўзбек халқ чолғу ансамблига С. Ҳайитбоевни ишга таклиф қилди. «Давр тақозоси билан, — дейди С. Ҳайитбоев, — мен талаба йигит бу ансамблда ўзбек мусиқа санъати намояндалари билан ёнма - ён ўтириб, улардан мусиқа сирларини ўрганишни, мулоқотда бўлишни хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. К. Отаниёзов ва Ю. Ражабий ансамблларида ишлашга муяссар бўлганимдан бахтиёр эдим. Уларнинг ансамллари Хоразм, Бухоро ва Фарғона, Тошкент анъанавий мусиқа йўналишларини ўзлаштиришда мен учун катта мактаб бўлди».

Билим юртини 1955 йили тугатгач, Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факултетига ўқишга кирди, профессор Б. Б. Надеждин синфида таҳсил кўрди ва 1960 йили ўқишни битирди. Шу йили Ўзбекистон маориф вазирлиги қошидаги педагогика илмий текшириш институтида мусиқа ва бадиий санъат бўлими мудир лавозимига тайинланди. 1962 йилдан эса М. Қориеқубов номидаги Ўзбек давлат филармониясининг мусиқа бўлимига мудирлик қилди. Композиторлик маҳоратини янада ошириш мақсадида у 1965 йили консерваториянинг аспирантурасида Ўзбекистон халқ артисти, профессор А. Козловский раҳбарлигида таҳсил ола бошлади ва 1968 йили битирди. Шу йилдан бошлаб консерваторияда муаллимлик қилди. 1975 йилдан бошлаб, то умрининг охиригача А. Кодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида чолғулаштириш ва партитура ўқиш кафедрасини бошқарди.

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Бастакорнинг ижодида қўшиқ ва мусиқали драма жанрлари устун туради. У ижодининг 40 йилдан ортиқ даврида қўшиқчилик санъатига эътиборини қаратди. Замондош шоирлар билан ҳамкорликда, турли мавзуларда жуда кўп қўшиқ, ялла ва ашулалар яратди. Шуниси диққатга сазоворки, композитор қўшиқларини машҳур хонандалар ва ижрочи жамоаларнинг илтимосларига кўра яратиб, уларнинг репертуарларини бойитди. Масалан, Ўзбекистон халқ артистлари — Олмахон Ҳайитова ижросида «Ўзбекистон гуллари» (А. Бобожонов сўзи), «Ўзбекистон сўзлагай» (Н. Нарзуллаев сўзи), «Хаёл» (Э. Охунова сўзи), «Ўтмасмикан» (Нилуфар сўзи), Коммуна Исмоилова ижросида «Эй, соҳиб - дил» (Т. Тўла сўзи), «Сўзим айтаман» (халқ сўзи), «Истар» (Э. Самандаров сўзи), Султонпошша Ўдаева ижросида «Хивам, менинг дўстларим» (Э. Самандаров сўзи), Қувондиқ Искандаров ижросида «Эсингдами» (Миртемир сўзи), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар: Ҳадя Юсупова ижросида «Ўргилай ёр, бўйингдан» (А. Исроилов сўзи), «Оҳ, агар кўрсам яна», (Ҳ. Бойқаро сўзи), «Овозингни эшитганда» (Т. Қахҳор сўзи), М. Дадабоева ижросида «Ўзбекистоним» (Ж. Жабборов сўзи), хонанда Озода Ёрова ижросида «Кечма муҳаббатдан» (Э. Самандаров сўзи),

Ғанижон Ваҳобов ижросида «Қалам қошга» (П. Мўмин сўзи) ва бошқа хонандалар ижросида концерт дастурларида, радио эфир тўлқинларида жаранглаб келмоқда. Булардан ташқари, «Лазги» вокал - хореографик ансамбли ва ўзбек халқ чолғулари оркестрининг ижро дастурида композиторнинг бир талай кўшиқлари ўрин олган.

### **МУҲОКАМА**

1991 - 99 йилларда Э. Самандаровнинг сўзларига «Соғиниш», «Юлдуз билан», «Истар», «Умид ғунчаси», «Кетма, муҳаббат», Б. Бойқобиловнинг сўзларига «Биз Темур авлодимиз», Раъно Узоқова сўзига «Вафо қилмади», Хусайн Бойқаро ғазалларига «Армон бўлмасин», «Равшан айлагил», «Агар кўрсам яна», «Жамолингдан кўзим равшан» каби кўшиқ ва куйлар яратди. Композиторнинг кўшиқлари 1985 йилда Ғ. Ғулом нашриётида «Ўзбекистон сўзлагай» номи билан махсус тўпламда ва турли бошқа тўпламларда чоп этилган.

1962 йили С. Ҳайитбоев бастакор К. Жабборов билан ҳамкорликда «Нодира» (Х. Раззоқов пьесаси) мусикали драмасини яратди. Асар Андижон мусикали театрида сахна юзини кўргандан бошлаб композиторнинг ижодида катта бурилиш бўлди. У шу жанрга меҳр кўйди ва йиллар давомида 14 та мусикали драма, иккита мусикали комедия ва учта телевизион спектаклга мусиқа басталади. Унинг сахна асарлари Муқимий номидаги мусикали театрда ва вилоят театрларида сахна юзини кўрди. Масалан, Огаҳий номидаги Хоразм вилоят театри 1964 йили «Сўнгги хон» (А. Бобожон ва М. Муҳамедовлар пьесаси) мусикали драмани, шу театр жамоаси 1972 йили «Қудалар» (Ў.Рашид пьесаси) мусикали комедияни, 1973 йили «Маузерли қиз» (Ю. Юсупов пьесаси), 1985 йили «Аҳмад билан Оқбилак» (Т. Мирза пьесаси), Бобур номидаги Андижон вилоят театри 1969 йили «Салтанат шубҳада» (Ш. Саъдулло пьесаси), 1971 йили Фарғона вилоят театри «Яйлов тонги» (Тамкин пьесаси) ва 1973 йили «Завқий» (К. Маҳкамов пьесаси), Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят театри 1976 йили «Муҳаббат ёдгори» (М. Назаров пьесаси) ва 1979 йили «Фарзанд деб» (Ў. Рашид пьесаси), М. Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилояти театри 1978 йили «Чороғбонлар» (М. Назаров пьесаси) мусикали драмаларини, Ю. Ражабий номидаги Сирдарё вилоят театри 1990 йили «Икки ошиқ бир бўлса» (Т. Каҳҳор пьесаси) мусикали комедияни томошабинларга ҳавола қилган эди. Муқимий номидаги мусикали театр жамоасини эса 1966 йили «Бағритош» (Х. Умаров пьесаси), 1975 йили «Туркман кизи» (Тамкин пьесаси), 1994 йили «Ҳар кимки вафо қилса» (Х. Муҳаммад пьесаси), бастакор А. Исмоилов ва композитор М. Отажоновлар ҳамкорлигида ёзилган «Башорат» (Э. Самандаров пьесаси) мусикали драмалари 1995 йили сахна юзини кўрди. 1967 йили «Увайсий» (Т. Қосимова пьесалари), 1971 йили «Дилистоним менинг», 1984 йили «Машраб» (Алп Жамол пьесаси) телеспектаклларга мусиқа басталади.

### **ХУЛОСА**

Композитор С. Ҳайитбоевнинг скрипка ва симфоник оркестр учун концерт, симфония, симфоник сюита, рубоб ва ўзбек халқ оркестри учун «Концертли лирик пьеса», ўзбек халқ чолғулари оркестри учун учта сюита, ўзбек халқ чолғулари ва доира учун «Доира рақс пьесаси», қашқар рубоби ва фортепиано учун «Баллада», фортепиано учун пьеса, вариация, прелюдия, fuga каби асарлар мусиқа мактаблар ўқув дастурларига киритилган. Ўзбек мумтоз «Феруз 1 ва 2»ни, «Алиқамбар», «Тобон айласа» ва «Келдим» ашулаларини яқка хонанда ва фортепиано учун мослаштирган. Болалар учун «Турналар», «Орзу», «Ўқи, билим ол», «Кимнинг хати чиройли», «Интернатчилар кўшиғи» каби кўшиқлари яқка ижрочи ва болалар хор жамоаларининг репертуар дастурларидан жой олган. С. Ҳайитбоев 1960 - 64 йилларда Т. Хусайнов билан ҳамкорликда умумтаълим мактабларнинг 5 ва 6 - синфлари учун «Мусиқа»

дарслигини яратди ва нашрдан чиқарди. Султон Ҳайитбоев 1988 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони, шунингдек, бир неча медаллар билан тақдирланган.

### REFERENCES

1. Музыкально- энциклопедический словарь. Москва. 1990 г.
2. Ф.Кароматов. Вопросы музыкознания (материалы симпозиума) 1980 г.
3. А.Жабборов. Ўзбекистон бастакорлари ва мусиқашунослари. Тошкент.2004.
4. Ю.Ражабий. И. Акбаров. Ўзбек халқ мусиқаси тарихи, (Ўқитувчи). 1981 йил.
5. M.Achildiyeva 2021 Academic Yunus Rajabi and His Scientific Heristage Annals of Romanian Society for Cell Biology 25(4) 9092-9100
6. Achildiyeva M, Xojimatov A, Ikromova F (2022) Shashmaqom saboqlari: "Navo" maqomi xususida. INTERNATIONAL JOURNAL FOR ENGINEERING AND MANAGEMENT RESEARCH 11(01) 55-58
7. Achildiyeva M, Ikromova F (2021) ABOUT MAHMUDJON TOJIBOYEVS PEDAGOGICAL ACTIVITY GALAXY INTERNATIONAL INTERDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL (GIIRJ) 9(5) 240-244
8. Achildiyeva M, Ikromova F (2021) TANBUR ONE OF ANCIENT INSTRUMENTS GALAXY INTERNATIONAL INTERDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL (GIIRJ) 9(6) 302-308
9. Achildiyeva M, Ikromova F(2022) CHOIR ART IN UZBEKISTAN BOTIR UMIDJONOV (EURASIAN JOURNAL OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES 7 54-56
10. Achildiyeva M, Ikromova F (2021) "The third renaissance towards ascending" EUROPEAN SCHOLAR JOURNAL "An open access, peer reviewed multidisciplinary journal" 2 (9) 17-20
11. Maxfuzaxon Karimova, Muyassarkhon Achildiyeva, Farangiz Ikromova (2021) USE FROM REDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN MUSIC LESSONS EUROPEAN SCHOLAR JOURNAL "An open access, peer reviewed multidisciplinary journal" 2 (4) 460-463
12. Achildiyeva M, Xojimatov A, Yuldasheva D, Ikromova F (2021) Uyghur Folk Singing Genre Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry 12 (10) 3509-3517
13. Ikromova F O'ZBEKISTON XALQ HOFIZI OCHILXON OTAXONOVNING HAYOT YO'LI CHIZGILARI. INNOVATIVE DEVELOPMENT IN THE GLOBAL SCIENCE Vol. 1 No. 3 (2022): 151-156
14. Achildiyeva M, Ikromova F РЕЙНГОЛЬД ГЛИЭР ВА ТОЛИБЖОН СОДИҚОВНИНГ «ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН» ОПЕРАСИДА МАҚОМ ЙЎЛЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ UIF-2022: 8.2 SCIENCE AND INNOVATION ISSN: 2181-3337 INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL 2022 №4 23-28 bet
15. Xojimatov A, Ikromova F МУСИҚИЙ САҲНАВИЙ АСАРЛАРНИНГ ИЖРОЧИЛИК МУАММОЛАРИ (ЎЗБЕКISTON КОМПОЗИТОРЛАРИ ИЖОДИ МИСОЛИДА) UIF-2022: 8.2 SCIENCE AND INNOVATION ISSN: 2181-3337 INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL 2022 №4 29-33 bet
16. Ikromova F SHASHMAQOMDA TURKUM ASAR TARONALARI UIF-2022: 8.2 SCIENCE AND INNOVATION ISSN: 2181-3337 INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL 2022 №4 29-33 bet.